

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш бўйича Е-полисни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш шартларлари юзасидан оммавий

ОФЕРТА

Ушбу оммавий оферта (кейинги Ўринларда - оферта) “**TEMIRYO'L-SUG'URTA**” МЧЖ суғурта компанияси (кейинги Ўринларда “**суғурталовчи**”) билан суғурта килдирувчи ўртасида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш (кейинги ўринларда - ТВЭФЖМСК) бўйича Е-полисни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш (сотиб олиш) талаблари ва суғурталаш шартларини белгилайди.

1. Умумий шартлар ва тушунчалар

1. Мазкур оферта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 780-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш бўйича Е-полисни сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш” қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июлдаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш” қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу офертада қийдаги тушунчалардан фойдаланилади:

Е-полис - транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш бўйича электрон шаклда тузилган суғурта шартномаси;

суғурта ҳодисаси - Е-полисга кўра транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган, суғурта қилдирувчининг суғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарар бўйича жавобгарлиги суғурта қилинган, суғурта килдирувчи ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши;

суғурта суммаси - суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) коплаш мажбуриятини олади;

суғурта мукофоти - суғурта килдирувчи Е-полисни сотиб олиш учун суғурталовчига тулаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

суғурта товони - суғурталовчи Е-полисга мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчига унинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини коплаш ҳисобига суғурта пули доирасида тулаши шарт булган пул мабларлари суммаси;

Ягона ахборот тизими - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган, мажбурий суғурта килиш бўйича онлайн тартибида фаолият юритувчи ягона ахборот тизими;

транспорт воситасининг эгасининг яқин қариндошлари - транспорт воситаси эгасининг транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқариш учун нотариал

тасдиқланадиган ишончнома расмийлаштирилиши талаб килинмайдиган яқин қариндошлари (**ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар**).

2. Е-полисни расмийлаштириш

3. Е-полисни расмийлаштириш суғурталовчи расмий веб-сайтининг мажбурий суғурта учун мўлжалланган қисми ёки унинг мобил иловаси орқали амалга оширилади.

4. Е-полисни тузиш учун суғурта килдирувчи ҳар бир транспорт воситаси бўйича Е-полисни тузиш туғрисидаги электрон аризага қуйидаги маълумотларни киритади:

суғурта килдирувчининг ва/ёки транспорт воситасини бошқаришга ваколат берилган жисмоний шахсларнинг (транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахсларга рухсат берилиши шарти билан Е-полис тузилган тақдирда) шахсий идентификация рақамини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси, рақами;

солик туловчининг идентификация рақами (юримдик шахс учун);

транспорт воситаси эгасининг шахсий идентификация рақами ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва рақами (агар транспорт воситаси мулкдори бошқа жисмоний шахс бўлса); электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

мобил телефон рақами;

Е-полис тузилаётган транспорт воситасининг давлат рақами белгиси ва рўйхатдан ўтказилганлиги туғрисидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами;

агар суғурта килдирувчи қонунчиликка асосан сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига кирса, мажбурий суғурта бўйича сийловлар мавжудлиги туғрисида белги қуйиб, юқоридаги тоифага тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (гувоҳнома, маълумотнома) тегишли рақамлари; транспорт воситаси эгасининг ихтиёри билан мазкур транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқаришга қўйилган яқин қариндошларининг (ота, она, эр (хотин), угил, киз, ака, ука, опа, сингил) қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тегишли рақамлари;

транспорт воситасининг рўйхатдан угган жойи;

суғурта муддати (1 йил, 6 ой ёки ундан ортиқ (ТВдан мавсумий фойдаланишда), 10 кун ёки ундан ортиқ (рўйхатдан утиш жойигача));

Е-полис тузилганлиги турисидаги хабарномани юбориш шакли (телефон рақам ёки электрон почта манзили орқали).

Бунда тегишли маълумотлар ягона ахборот тизимида мавжуд бўлганда автоматик тарзда тулдирилади.

5. Электрон ариза тулдирилаётган вақтда Ягона ахборот тизими қисман ёки тулик ишламаганда, яъни давлат ахборот базалари қисман ишламаган ва/ёки улар билан алоқа узилган тақдирда, суғурта килдирувчи аризадаги қолган маълумотларни қўлда киритади.

6. Электрон ариза тулик тулдирилгандан сунг суғурта килдирувчи томонидан юбориш тугмаси босилади.

7. Компаниянинг маъсул ходимлари томонидан юборилган электрон аризадаги маълумотлар бир иш куни ичида туликлиги ва турилиги текширилиб, суғурта килдирувчига суғурта мукофотини тулаши мумкинлиги ёки маълумотларни қайта тугирланиши туғрисида хабарнома юборилади. Агар суғурта килдирувчи томонидан ариза берилган санадан бошлаб 24 соат давомида маълумотлар қайта текширилмаса ва/ёки туғриланмаса, унда суғурта ташкилоти Е-полисни тузиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш имконияти йўқлиги туғрисида суғурта ташкилотининг Интернет жаҳон

ахборот тармогидаги ресурси ёки SMS-хабар орқали суғурта ташкилоти суғурта килдирувчини хабардор қилади.

8. Суғурта килдирувчи суғурта мукофотини тулаши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномани олгандан сунг суғурта мукофотини электрон тулов тизимлари (Рауте, Урау ва бошкалар) орқали ёки нақд пулда тулаши лозим.

9. Суғурта мукофоти туланганлиги факти ушбу Оферта Суғурта килдирувчи томонидан акцепт қилинганлигини англатади.

10. Е-полис Суғурта килдирувчи томонидан Суғурта мукофоти туланган пайдан (изох: *бошқа муддат белгианиши мумкин*) бошлаб кучга киради. Агар Е-полисда суғурта амал қилиши бошланишининг бошкача муддати назарда тутилмаган бўлса, мажбурий суғурта электрон шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ходисаларига нисбатан татбиқ этилади.

11. Суғурта мукофоти туриқ тулангандан кейин Е-полис тузилганлиги тўғрисидаги хабарнома суғурта килдирувчи томонидан танланган шаклда юборилади ва у қйидагиларни уз ичига олади:

- суғурта ташкилотининг номи;
- суғурта мукофоти миқдори;
- Е-полиснинг амал қилиш муддати;
- Е-полиснинг ноёб раками;
- Ягона ахборот тизимига хавола.

12. Суғурта килдирувчи Ягона ахборот тизимига хавола орқали ўтиб, Е-полисни юклаб олиши мумкин.

13. Суғурта килдирувчи узи томонидан компанияга тақдим этилаётган электрон ёки сканер маълумотлар ва ҳужжатларнинг хакикийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Суғурта килдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчидан Е-полис тўғрисида тушунтириш беришни талаб қилиш.

Суғурта қилдирувчи:

белгиланган тартибда ва муддатда Е-полис бўйича ўзига юклатилган мажбуриятни бажариши;

Е-полис бўйича суғурта мукофотини белгиланган шартлар асосида ва тартибда тулаши шарт.

15. Суғурталовчи қйидаги ҳуқуқларга эга:

жабрланувчи (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари)нинг аризасини куриб чиқишда тегишли экспертларни жалб этиш;

суғурта килдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотларни текшириш, суғурта шартномаси талаблари ва шартларининг суғурта килдирувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш;

суғурта ходисалари юзага келишининг олдини олиш бўйича тавсиялар бериш.

Суғурталовчи:

суғурта килдирувчига интернет-ресурсидан туну кун тўсиқларсиз фойдалана олиш имкониятини яратиши;

суғурта килдирувчининг ва (ёки) жабрланувчининг суғурта тулови ва (ёки) товонини тулаб беришни сураб суғурталовчига қилган мурожаатини куриб чиқиши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган суғурта килдирувчи ва жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

16. Жабрланувчи қйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта тулови ва (ёки) товонини тулаб беришни сураб суғурталовчига мурожаат қилиш;

суғурталовчининг суғурта тулови ва (ёки) товонини тулашни рад этиш турисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш.

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта тўлови ва (ёки) товонини олиш.

4. Е-полисни ўзгартириш ва муддатидан олдин тугатиш

17. Е-полис амал қиладиган даврда суғурта килдирувчи суғурталовчига Е-полис тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида зудлик билан хабар қилиши шарт.

Мажбурий суғурта шартномасини тузишда тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўтрисида ахборот олинганда суғурталовчи Е-полисга тегишли ўзгартиришлар киритади. Бунда суғурталовчи тегишли ўзгартиришлар киритилган Е-полисни суғурта қилдирувчига белгиланган усулда юборади.

18. Е-полисни амал қилиш муддати қйидаги ҳолларда муддатидан олдин тугатилади:

- транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

- Е-полисда кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

- транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда.

19. Е-полиснинг амал қилиши муддатидан олдин тугатилган тақдирда, суғурта мукофотининг бир қисми туланган товон суммасига ва Е-полис амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади.

20. Суғурта килдирувчига (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, ҳуқуқий ворислари) суғурта суммасининг бир қисмини қайтариш суғурта килдирувчи (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, ҳуқуқий ворислари) тегишли тартибда мурожаат қилган кундан бошлаб 14 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

Бунда суғурта килдирувчига қайтарилиши лозим булган суғурта мукофотининг бир қисми суғурта килдирувчининг аризасига мувофик янги тузилган Е-полис бўйича суғурта мукофоти ҳисобига утказилиши мумкин.

5. Суғурта ходисаси содир бўлганда шахсларнинг ҳаракатлари

21. Жабрланувчиларга зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ходисаси (ИТХ) иштирокчиси булган суғурта килдирувчи жабрланувчи(лар)нинг талабига кўра унга ТВЭФЖМСК бўйича Е-полиси турисида маълумот бериши зарур.

22. Суғурта килдирувчи суғурта ходисаси содир бўлганда қйидагиларни амалга ошириши зарур:

жабрланувчига ИТХ кундан бошлаб уч календарь кундан кечиктирмай суғурта полисининг нусхасини топшириши;

давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг етиб келишини кутиши, имкони борича йўл-транспорт ходисаси гувоҳларининг фамилияси ва манзилини ёзиб олиши; дархол, ИТХдан кейин 72 соатдан кечиктирмай, содир булган ходиса ҳақида

суғурта полисининг нусхасини илова қилган холда суғурталовчига мурожаат қилиши; суғурталовчига суғурта ходисаси муносабати билан унга нисбатан қўйилаётган барча талаблар хабардор қилади.

6. Суғурта тўлови ва (ёки) товонини тулаш

23. Е-полис бўйича жабрланувчи ёки суғурта қилдирувчининг хохишига биноан (суғурта ходисасини тўғридан-тўғри хал этиш холларида) суғурта ходисаси рўй берганлиги тўғрисида билдиришнома юбориш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш, суғурта тўловларини амалга ошириш учун Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” қоидаларида белгиланган ҳужжатларнинг электрон ёки сканерланган нусхаларини суғурта ташкилотининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсидаги жабрланувчи ёки суғурта қилдирувчининг (суғурта ходисасини тўғридан-тўғри хал этиш холларида) суғурта ташкилотига юборишга ҳақли.

24. Агар суғурта ходисаси рўй берганлигини ва суғурта қилдирувчи томонидан етказилган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар етарли бўлмаса, суғурта ташкилоти бу тўғрисида ушбу ҳужжатлар олинган кундан бошлаб уч иш куни ичида, етишмаётган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатларнинг тулик рўйхатини кўрсатган холда жабрланувчи ёки суғурта қилдирувчининг (суғурта ходисасини тўғридан-тўғри хал этиш холларида) электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) ва (ёки) кўрсатилган телефон рақамига SMS-хабар орқали маълумот юбориши керак.

25. Тақдим этилган ҳужжатларнинг тулиқ рўйхати ва қабул қилинган санаси турисида электрон маълумотнома ариза берувчига, у кўрсатилган электрон почта манзилига (агар мавжуд бўлса) юборилади ва (ёки) суғурта ташкилотининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсидаги ариза берувчининг шахсий кабинетида курсатилади.

7. Суғурта суммаси, суғурта мукофоти, суғурта тулови ва (ёки) товони миқдори

26. ТВЭФЖМСК бўйича суғурта суммаси 40 000 000 (қирк миллион) сумни ташкил этади. Шундан:

- жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тулови суғурта суммасининг 35 фоизи — 14 000 000 (ўн тўрт миллион) сум;

- жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизи - 26 000 000 (йигирма олти миллион) сум.

27. Суғурта қилдирувчи томонидан ТВЭФЖМСК бўйича туланидиган суғурта мукофоти миқдори (бир)* йил муддат учун қийдаги кўринишда:

ТВ тури	Ҳудуд			
	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти**		Бошқа вилоятлар**	
	Чекланган*** (сумда)	Чекланмаган (сумда)	Чекланган*** (сумда)	Чекланмаган (сумда)
Енгил	56	168 000	40 000	120 000
Юк	67 200	201 600	48 000	144 000
Автобуслар микроавтобуслар ва	67 200	201 600	48 000	144 000

Трамвайлар, мотоцикиллари ва мотороллёрлар, тракторлар, Узиюрар йўл-қурилиш машиналари ва бошка машиналар	22 400	67 200	16 000	48 000
---	--------	--------	--------	--------

**Электрон аризада суғурта муддати 6 ой ёки рўйхатдан ўтказиш жойигача катакчаларини танланганда суғурта мукофоти жадвалда кўрсатилган суммадан камроқ миқдорда электрон аризани тўлдиретиш жараёнида суғурта килдирувчига маълум қилинади.*

*** ТВ рўйхатдан утган ҳудуд.*

**** ТВДан ҳайдовчилар сони чекланган «ҳолда фойдаланиш шарти билан расмийлаштирилганда.*

*****ТВдан ҳайдовчилар сони чекланмаган -ҳолда фойдаланиш шарти билан расмийлаштирилганда.*

28. Суғурта килдирувчи томонидан туланиши лозим бўлган суғурта мукофотининг миқдори Е-полисни тузиш тўғрисидаги электрон аризага киритилган маълумотларга мувофиқ, шунингдек сийлов ҳукукини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

8. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш шартлари

29. Суғурта килдирувчи Е-полисни тузиш тўғрисидаги электрон аризага маълумотларни киритиши билан Е-полисни амалга ошириш учун узининг шахсига доир маълумотларни қайта ишлашга розилик берган деб ҳисобланади.

30. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида "Шахсга доир маълумотлар турисида"ги 2019 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

9. Яқунловчи қоидалар

31. Ушбу офертанинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

32. Ушбу офертада назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича вужудга келган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Суғурталовчи:

«TEMIRYO'L-SUG'URTA» МЧЖ СК
 100047 Тошкент ш., А.Темур шох кўч., 4
 х/р 2021 4000 9041 8877 2001
 Мирзо-Улуғбек филиали АИТБ «Ипак Йули»
 ФАА 00421, СТИР 203996028,
 ҚҚС 3260 1000 5587
 Тел.: 71-233-88-60, факс: 71-233-88-60
 Сайт: www.tys.uz, e-mail:mail@tys.uz